
Президентимиз фармони суд-тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган Фармон қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда амалиётда сақланиб қолаётган инсон ҳуқуқлари бузиш ҳолатлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан фуқароларга нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизmlар назарда тутилган.

Бундан ташқари, тергов сифатини халқаро стандартлар асосида тубдан ошириш бўйича амалий чоралар белгиланган.

Жумладан:

1. Ярашув институтини қўллаш механизми таомиллаштирилмоқда. Унга кўра, шахсга нисбатан тергов даврида эълон қилинган айблок, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганлигидан қатъи назар ярашув институти доирасига тушадиган енгилроқ моддага қайта малакаланган ҳолларда ярашув институтини қўллаш имконияти яратилмоқда.

2. Ушланган шахснинг ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш мақсадида:

- ушлаб туриш муддатини жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган вақтдан бошлаб эмас, балки шахс ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш;

- шахс амалда ушланган пайтдан бошлаб, тегишли мансабдор шахс у билан боғлиқ суриштирув ва тергов ҳаракатларини ўtkазишдан олдин ҳимоячи билан холи учрашувни таъминлаши шартлиги ҳақидаги қоида назарда тутилмоқда.

3. Ўта оғир жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга оид жиноят иши бўйича, шунингдек қамоқقا олиш ёки уй қамоғи тарзидағи эҳтиёт чорасини қўллаш ҳолатларида ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгиланди.

4. Судга қадар иш юритиш даврида шахс ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида:

- агар ушланган айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш;

- шахсни жиноят ишида айбланувчи сифатида жалб қилиш учун реал асослар мавжуд бўлган ҳолларда уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, процессуал ҳуқуқларини тушунтирмасдан туриб, ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш тақиқланмоқда.

Маълумки, айбланувчининг қонун ва халқаро ҳужжатларда акс этган энг асосий ҳуқуқларидан бири - **бу кўрсатувлар беришдан бош тортиш**^{1/2} ва қўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқидир. Фармон билан ушбу ҳуқуқни амалиётда тўлиқ рўёбга чиқариш имконияти

яратилмоқда.

Хайрулло Отажонов

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги бош юрисконсульти, З-даражали юрист
2020-08-10 17:49:08